


"HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI"
Aksiyadorlik jamiyati

"NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI"
Aksiyadorlik jamiyati



Joint-stock company
"HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI"

Joint-stock company
"NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI"

Indeks: 0102, Namangan shahri, Marg'ilon-8, e-mail: ING-NAMET@mail.uz, tel.:(69) 228-75-80, faks: (69) 227-87-32
"O'zбекистон Respublikasi" Namangan mintaqaviy filiali, t/yr.: 20210000100510058001, MFO 00224, OKED 35120, STIR 200048685

№ 1504/416 -sonli
"13" 03 2020 йил

Б О Ш И Ш О Н Ч Н О М А

Men, Rizzaev Jahongir Nosirjanovich – "Namangan hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" aksiyadorlik jamiyati bo'sh direktori, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 134, 135-моддалари талабларига, жамият Устави ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига, Вазирлар Махкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га риоя қилган ҳолда Чуст туман электр таъминоти корxonаси бошлиғи Хусанов Хайдаржон Ҳакимжоновичга (паспорт серияси АС 1722247, Наманган вилояти Чуст тумани ИИБ, 06.03.2010 й.) ўз вазифаларини ва мажбуриятларини амалга ошириши учун жамият бош директори ҳуқуқларига кирувчи қуйидаги ваколатларни амалга оширишга ишонч билдираман:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Махкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5059-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2017 йилдаги ПК-3016 сонли "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 484-сонли қарорлари бўйича иш ташкил қилиш.

2. Ўз хизмат ҳудуди бўйича жойлашган барча турдаги истеъмолчилар билан электр таъминоти шартномаларни жамият номидан имзолаш ҳамда етказиб берилган электр энергияси бўйича ҳисоб-китоблар юзасидан ҳисоб-варақ фактураларни расмийлаштириш, электрон шаклда жўнатиш ва имзолаш ҳамда барча истеъмолчилар билан ўзаро солиштирма далолатномаларни тузиш ва имзолаш;

3. Жамиятнинг ҳисоб сибсатидан чиқмаган ҳолда, электр энергиясидан қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларни қарзини ундириш мақсадида уларнинг банк ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда инкассо тўлов талабномаларини қўйиш ва имзолаш;

4. 0,4-6-10 кВли электр қурилмаларида бажариладиган янги қурилиш ишларини бажариш юзасидан шартномалар тузиш ва имзолаш, тузилган шартномалар асосида

ишларини тўзаконли амалга ошириш, ўтказиш, электр хисоблагичлари ва приборларини ўрнатиш ва алмаштириш буйича жамият томонидан ишлаб-чиқилган намунавий шартнома ва смета хужжатлари асосида юридик ва жисмоний истеъмолчилар билан шартномаларни тузиш ва имзолаш, тузилган шартномаларга асосан тўловларни жамиятнинг асосий ҳисоб рақамига тушишини таъминлаш ҳамда бажарилган ишлар буйича далолатномалар, ҳисоб варақа фактураларни расмийлаштириш ва имзолаш;

5. Чует-туман электр таъминоти корхонаси тасарруфидаги ходимлар билан қонунида белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш ва ўзгартириш, меҳнат таътили бериш, бошқа ишга ўтказиш ва интизомий жазо чоралари кўриш ҳақиқати ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган буйруқ (фармойиш)ларни имзолаш, (ЭТК бош муҳандиси, ТБХ диспетчерлари, катта ва ёрдамчи ҳисобчи, электр энергиясини сотиш бўлими бошлиғи ва юрисконсултга нисбатан чиқариладиган ушбу мазмундаги буйруқлар ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар бундан мустасно);

6. Электр таъминоти корхонасининг электр энергиясини сотиш бўлими, устачилик бўлағи, модернизация бўлағи, марказий таъмирлаш бўлағи, тезкор бригада хизмати ҳолда автотранспорт ва механизмлар бўлағи ходимларини иш фаолиятини вазифаларини ўз вақтида бажариб борилишини таъминлаш;

7. "Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ манфаатлари буйича электр энергияси таъминотида келиб чиққан низолар юзасидан даъвогар ёки жавобгар вакили сифатида барча судларга даъво ариза ва аризалар киритиш ҳамда имзолаш, маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш ҳамда давлат бошқаруви идораларга мурожаатлар қилиш, аризалар ва шикоятлар келтириш ва имзолаш;

Маҳаллий ҳокимият, назорат қилувчи ва давлат бошқаруви идоралари сўровига жавобан тақдим этиладиган маълумотларни ҳамда ҳар қандай ЭТКда ўтказиладиган текширувларни фақат жамият бош директори розилигига асосан жамиятнинг юридик бўлими билан келишган ҳолда амалга оширишни таъминлаш;

8. Давлат дастури асосида белгиланган режа топшириқлар ижросини таъминлаш ва жорий амалга оширилиши кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида бажариладиган таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонуничиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш.

Назорат қилувчи органлар томонидан қонунида белгиланган тартибда ўтказиладиган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ваколатли шахслари, тергов органлари қарорлари асосида электр таъминоти корхонаси молиявий ҳўжалик фаолиятини текшириш ёхуд қисқа текшириш "Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ даги текширувларни қайд қилиш китобига белгиланган тартибда ёзувлар киритилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш.


Ушбу текширувлар натижалари юзасидан тузилган далолатномаларни ҳўжалик юритувчи субъектнинг вакили сифатида имзолаш ҳамда эътирозлар билдириш ваколати берилсин.

Ушбу ишончномада белгиланган ҳуқуқлар ўзга учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

Ишончнома икки асл нусхада тузилди ва бир нусхаси муҳосаба бўлимида, иккинчиси муҳосаби ишончли шахсда сақланади.

Ишончнома ваколат қабул қилувчини ушбу лавозимда ишлаётган давридагина кучда бўлади.

Ишончнома 2 (икки) йил муддатга берилди.



Handwritten signature of J.N. Rizzaev.

Ж.Н.Риззаев